

Юлдашев А.А. – ТМИ, катта илмий-  
ходим изланувчи

## ХУДУДЛАР БЮДЖЕТЛАРИНИНГ МАЗМУНИ ВА ИЖТИМОЙ- ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТДАГИ РОЛИ

Мақолада ҳудудлар бюджетлари шаклланиши зарурлиги ва уларнинг ресурслардан фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ёритилган.

**Таянч сўзлар:** Молиявий ресурслар, бюджет ресурслари, маҳаллий бюджет, бюджет ресурсларини барқарорлиги, ҳудудий салоҳият.

В статье рассматривается необходимость формирования местных бюджетов и социально-экономическое значение использования их ресурсов.

**Ключевые слова:** финансовые ресурсы, бюджетные ресурсы, местный бюджет, стабильность финансовых ресурсов, региональный потенциал.

The article discusses the necessity of forming local budgets and social and economic importance of the using of their resources.

**Key words:** Financial resources, budgetary resources, local budget, stability of budgetary resources, regional potential.

Ҳудудлар даражасида бюджет тегишли ҳудуд доирасида марказлаштирилган пул кўрнишидаги молиявий ресурсларни шакллантириш, тақсимлаш ва фойдаланишга қаратилган ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан давлат ёки маҳаллий ҳокимият даражасида тасдиқланган молиявий режа сифатида намоён бўлади. Унинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши тегишли юридик нормаларга асосланади.

Мазкур молиявий режанинг ўзига хос белгилари бу тушумларнинг аниқ манбалари бўйича пул даромадлари кўрсатилиши, аниқ йўналишлар ва тадбирлар бўйича пул харажатларининг олдиндан белгилаб қўйилганлигидир. Бюджет универсал молиявий режа сифатида ҳудуд иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг барча соҳалари ва йўналишларини қамраб олади. Бундан ташқари, у ҳудуддаги иқтисодий субъектлар бошқа барча турдаги молиявий режаларга нисбатан мувофиқлаштирувчи роль ўйнайди.

Давлат бюджетининг амалда ҳаракатланиши бюджет тизими фаолияти орқали намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекси”да бюджет тизими шундай таърифланади: “Бюджет тизими барча даражадаги бюджетлар, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари, бюджет тизими бюджетларини тузиш ва ташкил этиш принциплари, улар ўртасида бюджет жараёни мобайнида юзага келадиган ўзаро муносабатлар йиғиндисини ўзида ифодалайди. Молия йили учун бюджет тизими бюджетларини шакллантириш, тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ва ижро этиш Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда амалга оширилади”[1].

Бюджетнинг қайси даражада эканлигидан қатъи назар унга уч жиҳатдан ёндашиш мумкин:

- иқтисодий категория сифатида;

- моддий маънода;
- ҳуқуқий категория сифатида.

Иқтисодий категория сифатида бюджет объектив характерга эга бўлган пул муносабатлари тизими сифатида қаралади.

Ҳуқуқий категория сифатида бюджет тегишли ҳудуд доирасида марказлаштирилган пул маблағларини шакллантириш, тақсимлаш, фойдаланишга қаратилган ва тегишли давлат ёки маҳаллий ҳокимият идораси томонидан тасдиқланган асосий молиявий режа, юридик меъёрлардан иборатдир.

Асосий молиявий режа сифатида шуни таъкидлаш жоизки, унда молиявий режалаштиришга тегишли бўлган: тушумларнинг аниқ манбалари бўйича пул даромадлари (бюджет фондини шакллантириш); аниқ йўналишлар ва тадбирлар бўйича пул харажатлари (бюджет фондидан фойдаланиш) каби аломатлари ўз аксини топади.

Бюджет асосий молиявий режа сифатида қуйидаги белгилар билан тавсифланади:

- бюджет универсал молиявий режа сифатида тегишли ҳудуднинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг барча соҳалари ва йўналишларини тўла қамраб олади;
- бюджет бошқа турдаги молиявий режаларга нисбатан мувофиқлаштирувчи вазифани бажаради.

“Яъни бюджет давлатнинг асосий молиявий режаси сифатида иқтисодий категория ва бюджетга хос бўлган хусусиятлар мажмуининг намоён бўлишидир”[2].

Моддий маънода бюджет – тегишли даражадаги давлат ва маҳаллий ҳокимият идоралари фаолиятини таъминловчи, улар олдига қўйилган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий вазифаларни бажариш имконини берувчи марказлаштирилган пул маблағлари фондидаан иборатдир. Давлат томонидан режалаштирилган тадбирларни бюджет ҳисобидан молиявий таъминлаш деганда бюджетнинг айнан ана шу моддий маъноси кўзда тутилади.

Ҳудудлар бюджетлар ёки анъанавий номланишига кўра маҳаллий бюджетлар биринчи навбатда ҳудуд аҳолисининг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган. Улар орқали ижтимоий истеъмол фондлари аҳолининг тегишли қатламларига етказилади. Бундан ташқари ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маиший инфратузилма шаклланиши ва улардан фойдаланишни олиб боришда ҳам маҳаллий бюджетлар муҳим роль ўйнайди.

“Бюджет кодекси”га кўра Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими икки бўғиндан иборат республика бюджети ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетлари. Давлат бюджети таркибида давлат мақсадли жағармалари жамланади. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети таркибига унда жойлашган туманлар, шаҳарлар бюджетлари киради. Ўзбекистон Республикаси бюджети бир бутундир, яъни бюджет тизими барча бўғинларга давлатнинг ягона давлат бюджетига кирадиган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, Республика шаҳар ва туманлари бюджетларнинг узвий

бирлигини билдради. Бюджет биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тизимнинг яхлитлигини белгилаб беради. Бюджет тизими бутун республика ҳудудида амал қилаётган давлат даромадлари ҳамда умуман республикани Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманларларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга йўналтириладиган давлат харажатларининг бир бутун тизимига асосланади.

Маҳаллий бюджетлар ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларни тўлароқ ва аниқроқ ҳисобга олиш ва тегишли равишда қондириш ҳамда бу жараёни давлат марказлаштирилган тартибда амалга ошириладиган тадбирлар билан тўғри мувофиқлаштириш имконини беради. Маҳаллий ҳокимият органларида муайян даражада бюджет мустақиллиги берилиши эса, шунга мувофиқ тарзда олиб бориладиган молиявий назорат билан биргаликда, ҳудуд бюджетига даромадлар келиб тушишидан ва ресурслардан авайлаб фойдаланишдан манфаатдорлигини таъмин этади. Ўз навбатида, жойларда иқтисодий ва ижтимоий юксалишининг юқори суръатлари маҳаллий резервларни сафабар этишга, маблағларни тежаб сарфлашга доир ишларни ташкил этишга ва умуман, бюджетни режалаштиришга масъулият билан ёндашишга ундайди. Маълумки, маҳаллий бюджетдан уй-жой коммунал хўжалик ва ободонлаштириш, таълим ва солиқни сақлаш муассасалари, ижтимоий таъминотига доир тадбирлар молиялаштирилади. Демак, мамлакатдаги ижтимоий тотувлик ва барқарорликни таъминлаш молиявий жиҳатдан маҳаллий бюджетларга таянади.

Бюджетни шакллантиришда, аввало, унинг харажатлар қисмини аниқлаб олиш лозим. Маълумки, ҳар доим мамлакат ёки ҳудуднинг қондирилиши ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлари мавжуд бўлади. Макроиқтисодий ёндашувда бундай харажатларни қондириш харажатлари автоном харажатлар деб юритилади. Мазкур харажатларнинг энг муҳим қисми бюджет харажатларида мужассамлашади. Бошқа томондан эса, бюджетни шакллантириш молиявий имкониятларидан келиб чиқиши лозим. Шунинг учун, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадларини кўзлаган ҳолда давлат зарур маблағлар ҳажмини белгилашни ва солиқлар ва бошқа манбалар ёрдамида молиявий ресурсларни жалб этиши керак.

Ҳудуд бюджети даромадларида жамланган молиявий ресурслар ҳудуд бюджетининг ресурсларини ташкил этади. Уларнинг шаклланиши турли йўللар билан амалга оширилиши мумкин: солиқ тўловлари, мақсадли ажратмалар, кредит ва қарзлар олиниши ва молиявий ёрдам. Бюджет ресурсларининг муҳим хусусияти шундаки, улар тўғридан-тўғри ҳудуд аҳолисининг фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади. Бундан келиб чиқадики, бюджет ресурсларининг ортиб бориши маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти самарадорлигининг муҳим ўлчовларидан бири бўлиб хизмат қилади.

“Давлат бюджети умумдавлат манфаатларини инобатга олган ҳолда устувор йўналишлар учун молиявий ресурсларни жамлашда асосий восита бўлиб хизмат қилади”[3].

Худуднинг бюджет ресурсларини икки гуруҳга ажратиш мумкин: ўз ресурслари ва жалб этилган ресурслар ўз бюджет ресурсларига худуд бюджетига тўғридан-тўғри келиб тушувчи солиқларни, солиқсиз даромадларни ва юқори бюджетдан олинадиган молиявий ёрдамни киритиш мумкин. Жалб этилган ресурслар ва кредитлар ва бошқа қарз маблағлардан иборат. Бу манба мамлакатимизда нисбатан кам қўлланади.

Жалб этилган бюджет ресурслари худуднинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига икки ёқлама таъсир этади, яъни ижобий ва салбий.

Ижобий томонлари қуйидагиларда ифодаланади:

1. Макроиқтисодий нуқтаи-назардан барча даражаларда бюджетга қарз орқали маблағ жалб этиш молиялашнинг ноинфляциявий манбаи бўлиб хизмат қилади. Чунки бу ҳолда ялпи талаб ўзгармайди, унинг таркибий тузилиши ўзгаради халос.

2. Жалб этилган қарз маблағлари худуддаги юқори самарали хўжалик юритувчи субъектларга ёки ижтимоий аҳамияти юқори хўжалик юритиш мақсадларига уларга имтиёзли кредитлар ёки бошқа кўрнншларда сафарбар этилиши худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиради.

3. Кўплаб хорижий мамлакатларда худудлардаги маҳалий бошқарув органлари ўз бюджетларини тўлдириш учун қарз мажбуриятларини билдирувчи қимматли қоғозларни чиқариш орқали хўжалик юритувчи субъектларнинг вақтинча бўш молиявий ресурсларининг инвестиция жараёнига жалб этилишини тезлаштирадilar.

4. Молиявий қийинчиликлар ёки етишмовчиликлар пайтида бюджетга қарз маблағларини оқилона жалб қилиш вазиятдан чиқиб кетиш харажатларини узоқроқ даврга тақсимлаш имконини берадики, шу орқали худуд иқтисодиёти ва аҳолисига солиқ юкини нисбатан енгиллаштириш имконини беради. Молиялашнинг бундай усули, айниқса, узоқ муддатли объектларни курлишда ўзини оқлайди. Мазкур ҳолда мазмунан объектни харажатларини ундан келажакда фойдаланувчилар қоплаб берадилар. Ҳозирги авлод зиммасига асосан фоизларни тўлаб туриш юкланган бўлади.

Худуд бюджетига қарз маблағлар жалб этилишининг салбий жиҳатлари ҳам вужудга келиши мумкин. Улар қуйидагиларда ифодаланади:

1. Давлат қарзи ҳаддан зиёд ортиб кетган мамлакатларда инвестицион имкониятлар қисқаради. Айниқса давлат қимматли қоғозлари бўйича юқори фоиз ставкалари қўлланса молиявий ресурслар эгалари маблағларини тўғридан-тўғри инвестициялашган кўра давлат қимматли қоғозларини сотиб олишни афзал кўрадilar, реал инвестицияни афзал кўрувчилар сони қисқаради. Давлат қимматли қоғозлари бўйича юқори фоиз ставкаларига таъсир кўрсатади, кредитлар қимматлашади ва бу реал инвестицияларга салбий таъсир кўрсатади.

2. Бюджет ресурслари таркибида қарз маблағлари улуши ортиши вақт ўтиши сайин бюджет маблағларининг ижтимоий-иқтисодий мақсадларга сафарбар қилинишини чеклай бошлайди. Чунки қарзларни қайтариш ва фоизларни тўлаб бориш лозим.

3. Жалб этилган маблағлар ўз мазмун моҳиятига бўйича келгуси авлодларга олдиндан солинган солиқлардир. Улар жорий мақсадларга

ишлатилганда бунинг учун келажак солиқлар тўлаб қарздан қутилишларига тўғри келади. Қарз маблағлар узоқ мудатли қурлишга сарфланса, қуриб тугаллаган объектдан келадиган самара қарзни қайтариш учун манба бўлиши мумкин.

Россиялик тадқиқотчи Д.В.Маргасов маҳаллий ҳудудлар қарзлари ортиб боришининг қуйидаги салбий оқибатларини қайд этади:

“Биринчидан, маҳаллий солиқлар ставкаларини оширилишига ёки улардан маҳаллий бюджетга ажратмалар нормативларни оширишга тўғри келади. Бу эса ҳудуднинг иқтисодий ривожланиши иқтисодий рағбатларини заифлаштиради, иновацияларга маблағ солишдан манфаатдорлик пасаяди, ижтимоий кескинликка сабаб бўлади иқтисодий ўсишга путур еткази.

Иккинчидан, фоииз харажатлари ўсиши ижтимоий-маданий соҳага ва иновацион ривожланишига ажратиладиган давлат ресурслари миқдори чекланишига ажратиладиган давлат ресурслари миқдори чекланишига олиб келади.

Учинчидан, давлат реал иқтисодий масъулитини келгуси авлод елкасига юклаб қўйяди, яъни келгуси авлод учун ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш имкониятлари камроқ қолдирилади”[4].

Маҳаллий бюджетга қарз маблағларини жалб қилишда қуйидаги муаммолар оқилона ҳал этилиши лозим: жалб этилаётган маблағлар қийматини минималлаштириш, қарзга хизмат кўрсатиш харажатларини пасайтириш, жалб этилаётган маблағлардан энг самарали фойдаланишни таъминлаш, бюджет барқарорлигини таъминлаш чораларини кўриш.

Ҳудудда маҳаллий бюджетнинг ресурсларини шакллантиришда қуйидаги тамойилларга риоя этилиши лозим:

- Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболларини назардан кочирмаслик;
- бюджет ресурслари ҳажмининг талаб этилаётган капитал ва жорий харажатлар миқдорига мувофиқ келиши;
- бюджет ресурслари таркибида ўз маблағлари ва жалб этилаётган маблағлар нисбатини оптималлигини таъминлаш;
- турли манбалардан бюджет ресурсларини шакллантиришда харажатларни минималлаштириш;
- ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш жараёнида бюджет ресурсларидан самарали фойдаланишга эришиш.

Қайд этиш лозимки, бюджет ресурслари таркибида ўз ресурслари жалб этилган ресурсларга нисбатан қатор афзалликларга эга: қўлга киритилиши, ҳудуднинг узоқ мудатли молиявий барқарорлигига салбий таъсир этмаслиги. Айни пайтда мазкур ресурс ҳажми амалдаги солиқ қонунчилиги ва умуман олганда, ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти билан чекланган бўлади.

Мазкур ҳолга қарама-қарши равишда, жалб этиладиган ёки қарз маблағларини қўлга киритиш жараёни мураккаброқ, ҳудуднинг келажакдаги молиявий барқарорлигига салбий таъсир этиши мумкин, қиймат молия бозори конъюктурасига қаттиқ боғланиб қолган. Шундай бўлсада, қарз маблағлардан

фойдаланиш ҳудуднинг молиявий имкониятларини оширади ва капитал харажатларини кенгайтириш имконини беради.

Хулоса ўрнида, ҳудудларда ҳам ижтимоий-иқтисодий ривожланиши маҳаллий бошқарув органлари ихтиёрида мустаҳкам молиявий манбалар мавжуд бўлишига асосланади. Шунинг учун ижтимоий-иқтисодий вазифалар ва кафолатлар билан боғлиқ мажбуриятларнинг тўлиқ, ўз вақтида ҳамда адресли ижро этилишини таъминлашда энг мустаҳкам ва ишончли молиявий база бўлиб маҳаллий бюджет хизмат қилади.

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. Расмий нашр Тошкент “Адолат” 2014 й.10 бет. 6-модда.
2. А.В.Ваҳобов, Т.С.Маликов, Молия “Ношир” Тошкент – 2012 285 бет.
3. Т.С.Маликов, Н.Ҳ.Ҳайдаров “Молия: умумдавлат молияси” Ўқув қўлланма Тошкент “Иқтисод-молия” 2009 й.21-22 бетлар.
4. Маргасов Д.В.Совершенствование методов управления бюджетными ресурсами субъекти Россиский Федерация и муниципалных образований. Автореферат дисс. канд.экон.наук – Нижний Новгород 2012 с.9.